

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ А Л Қ И Л У В Қ А Р О Р И

2022 йил июнь ойининг 24 кунини фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи Ж.Ш.Файзуллаев, Судья ёрдамчиси Г.Сиддикованинг котибалигида, банк вакилининг иштирокида, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX манфаатини кўзлаб, жавобгарлар УУУУУУУУУУУУУУУУУУУУларга нисбатан кредит қарздорлигини ундириш ҳақидаги даъво аризаси асосида кўзғатилган 2-1404-2202/2221-сонли фуқаролик ишини мазмунан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда 2020 йил 18 декабрдаги кредит шартномасига асосан XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX томонидан А.Джалиловга 36 ой муддатга, йиллик 14 фоиз устама ҳақи белгиланиб, 26.000.000 сўм миқдоридан кредит ажратиб берилганлигини, кредитнинг таъминоти сифатида қўшимча жавобгар Г.Мухаммадиевнинг кафилиги тақдим этилганлигини, кредит олувчи А.Джалилов кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоизлар суммасини белгиланган жадвал асосида тўлаб бориши лозим бўлсада, бироқ кредит шартномаси талабларини қўпол равишда бузиб, кредитни қайтариш графигига риоя қилмасдан, асосий кредит ва кредитга ҳисобланган фоиз тўловларини тўламасдан келганлигини, натижада жами 21.857.000 сўм қарздорлик вужудга келганлигини, ушбу ҳолат юзасидан банк томонидан қарздорлар А.Джалилов ва Г.Мухаммадиевалар бир неча марта ёзма ва оғзаки равишда огоҳлантирилишига қарамасдан, бугунги кунга қадар асосий кредит қарзини банкка қайтариш борасида ҳеч қандай чораларини кўрмасдан келаётганликларини кўрсатиб, жавобгарлар А.Джалилов ва Г.Мухаммадиевалардан солидар тартибда XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг фойдасига жами 21.857.000 сўм миқдоридан кредит қарздорлиги ва суд ҳаражатларини ундириб беришни, ишни палата вакилининг иштирокисиз кўришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддаси 4-қисми талабига кўра, тарафлар ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни ва ўзларига суднинг ҳал қилув қароридан нусха юборишни илтимос қилишга ҳақли.

Суд, юқоридаги қонун талабига кўра, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг бошлиғи фуқаролик ишини палата вакилининг иштирокисиз кўриб

чиқилишини аризасида сўраганлиги боис, ишни палата вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида сўралган манфаатдор тараф XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг вакили У.Маматқулов ўзининг судга берган тушунтиришида, даъвогарнинг даъво талабларини қувватлаб, унда келтирилган важлар доирасида айнан ўхшаш ва бир хил мазмундаги тушунтиришлар бериб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 280-моддаси талабига биноан жавобгарлар А.Джалилов ва Г.Мухаммадиевалар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида бир неча марта тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсаларда, бироқ номаълум сабабларга кўра судга келмаганлиги ҳамда манфаатдор шахс ишончли вакили ишни жавобгарларнинг иштирокисиз кўрилишига эътироз билдирмаганлиги сабабли, ишни уларнинг иштирокисиз сиртдан кўриб чиқишликни лозим деб топди.

Суд, манфаатдор тараф вакилининг тушунтиришини тинглаб, ишда мавжуд бўлган ҳужжатларни атрофлича муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

Аниқланишича, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX билан жавобгар А.Джалилов ўртасида 2020 йил 18 декабрь куни кредит шартномаси имзоланган.

Ушбу кредит шартномасининг шартларига асосан жавобгар А.Джалиловга йиллик 14 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 36 ой муддатга 26.000.000 сўм миқдорида кредит маблағи ажратилган.

Кредит таъминоти сифатида қўшимча жавобгар Г.Мухаммадиеванинг кафиллиги тақдим этилган ва бу ҳақда кафиллик шартномаси имзоланган.

Жавобгар А.Джалилов кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоизлар суммасини белгиланган жадвал асосида тўлаб бориши лозим бўлсада, бироқ кредит шартномасининг талабларини қўпол равишда бузиб, кредитни қайтариш графигига риоя қилмасдан, асосий кредит ва кредитга ҳисобланган фоиз тўловларини тўламасдан келган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар А.Джалиловнинг жами кредит қарздорлиги 21.857.000 сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддаси 1-банди талабига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу Кодекснинг 357-моддаси талабига кўра, шартнома тузилган пайдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Ушбу кодекснинг 252-моддаси 1-банди талабига кўра, қарздорлар шерик бўлиб мажбурият олганида кредитор ҳамма қарздорлардан мажбуриятни солидар бажаришни, уларнинг ҳар биридан алоҳида-

алоҳида бажаришни ҳам, шу билан бирга қарзни тўла ёки унинг бир қисмини бажаришни ҳам талаб қилишга ҳақли.

Суд, иш ҳолатлари ва юқоридаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, даъвогарнинг даъво талаби асосли эканлигини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX билан жавобгарлар А.Джалилов ва Г.Мухаммадиевалар ўртасида кредит ва кафиллик шартномаси имзоланганлигини, жавобгар А.Джалилов кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоизлар суммасини белгиланган жадвал асосида тўлаб бориши лозим бўлсада, бироқ кредит шартномасининг талабларини қўпол равишда бузиб, кредитни қайтариш графигига риоя қилмасдан, асосий кредит ва кредитга ҳисобланган фоиз тўловларини тўламасдан келганлигини, натижада кредит қарзи жами 21.857.000 сўмни ташкил этганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвосини қаноатлантиришни лозим деб топди.

Суд, давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган давлат божини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 141-моддасининг 1-бандида, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган ва даъвогар тўлашдан озод қилинган суд чиқимлари ҳамда давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилиши ва Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни талабига кўра, мулкый хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 4 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши назарда тутилганлигини инобатга олиб, жавобгарлар А.Джалилов ва Г.Мухаммадиевалардан солидар тартибда давлат фойдасига 874.280 сўм миқдорда давлат божи ундиришни, амалдаги ФПКнинг 138-моддасига кўра, банк фойдасига 18.900 сўм суд ҳаражатини ундиришни лозим топди.

Баён этилган ҳолатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-253, 283-моддаларини қўллаб, суд

#### Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг даъво талаби қаноатлантирилсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг фойдасига жавобгарлар УУУУУУУУУУУУУУУУлардан солидар тартибда жами 21.857.000 сўм кредит қарздорлиги ҳамда 18.900 сўм суд ҳаражати ундирилсин.

Жавобгарлар УУУУУУУУУУУУУУУУлардан солидар тартибда давлат фойдасига 874.280 сўм миқдорида давлат божи ундирилсин.

Жавобгарлар УУУУУУУУУУУУУУУУлар 15 кунлик муддат ичида суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганлигидан далолат берувчи

далиллар асосида ишни қайта ўзининг иштирокида кўриб чиқиш ҳақидаги ариза билан шу судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар бир ой муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи

Ж.Ш.Файзуллаев